

Катта аканинг ўрни ва унга яхшилик қилиш ҳақида



22:51 / 06.07.2017 10988

110. (79). Саъид ибн Амр ибн Осдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ака-укаларнинг каттасининг кичигидаги ҳаққи отанинг боласидаги ҳаққичадир», дедилар».

Шарҳ: Катта аканинг укаларидаги ҳаққи отанинг боласидаги ҳаққи кабидир. Шунинг учун оилада ота вафот этиб кетса, катта ўғил бошлиқ бўлиб қолади. Бошқа фарзандлар унинг укалари, сингиллари ва ҳоказо, ким бўлса бўлсин, отага қандай итоат қилса, катта акага шундай итоат қилиши керак.

Чунки буни Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтиб турибдилар.
Катта аканинг ҳаққи отанинг боладаги ҳаққи каби бўлишини яхши
билишимиз керак.

Бинобарин, отага оқ бўлишдан сақлангандек, катта аканинг ҳам дилини
оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш, унинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш
укаларга, сингилларга лозимдир.

Мусулмонларда бу ҳадиси шарифга яхши амал қилиб келинган. Оилаларда
отадан кейин катта ака бошлиқ бўлиб қолган. Уни укалари оталари ўрнида
ҳурматлаганлар ва унга итоатда бўлганлар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Яхшилик ва силаи раҳм китобидан)